

А.Қодирий номли ЖДПИ ўзбек тили ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчилари Абдувалиев А., ф.ф.ф.д. (PhD) Абдувалиева Д.А.

Алишер Навоий тарихий асарларининг морфологик хусусиятлари

Аннотация

Мақолада Алишер Навоий тарихий асарлари (“Тарихи мулуки Ажам” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо”) да қўлланган от, сифат, сон, олмош туркумига мансуб сўзлар (исмлар) атрофлича таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье всесторонне анализируется имя существительное, имя прилагательное, имя числительное и местоимение использованных в исторических произведениях («Тарихи мулуки Ажам» и «Тарихи анбиё ва ҳукамо») Алишера Навои.

Annotation

In clause the name a noun, name an adjective, name the numeral and pronoun used in the historical works of Alisher Navoi is comprehensively analyzed.

Калит сўзлар: морфология, от, сифат, сон, олмош, антропоним, топоним, гидроним, астропоним.

Ключевые слова: морфология, имя существительное, имя прилагательное, имя числительное, местоимение, антропоним, топоним, гидроним, астропоним.

Key words: morphology, name a noun, name an adjective, name the numeral, pronoun, anthroponomy, toponomy, hidronomy, astroponomy.

Адабий тил тарихида сўз туркумлари даставвал икки катта гуруҳга бўлинади: мустақил сўзлар ва ёрдамчи сўзлар¹.

Мустақил сўзлар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади: исм, феъл, равиш. Исм гуруҳидаги мустақил сўзлар ўз навбатида қуйидаги туркумларга бўлинади: от, сифат, сон, олмош. Бу туркумлар учун келишик ва эгалик каби категориялар умумий бўлиб, бу жиҳатдан улар бир гуруҳга – исмлар гуруҳига бирлашади. Лекин уларнинг ҳар бири учун махсус сўз ясовчи кўшимчалари бўлиши ва маъноси жиҳатдан ҳар қайсиси мустақил сўз туркумини ташкил этади.

I.От. Исмлар сирасига кирувчи от категорияси сўз туркумлари орасида ўзининг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятлари билан тил қурилишида катта ўрин тутади. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги от сўз туркуми узоқ тарихга эга. Улар жамият тараққиёти ва турмушдаги ўзгаришларга мос равишда тилнинг ички имкониятлари ёрдамида ривожланган. Буни кўхна обидалар тил хусусиятларини кузатиш чоғида кўриш мумкин². Алишер Навоий қаламига мансуб тарихий асар “Тарихи анбиё ва ҳукамо”³ асарининг луғат таркибида жами 1689 та от сўз туркумига оид лексема қўлланган бўлиб, унинг 1391 таси турдош от, 298 таси атоқли от ҳисобланади. 1391 та турдош отдан 1287 таситуб сўзлар, 265 тасини ясама лексемалар, 298 ономастик терминдан 238 тасини антропонимлар, 34 тасини топонимлар, 3 тасини гидронимлар, 6 тасини асар ва муқаддас китоблар номлари, 2 тасини Қуръони карим сураси номлари ташкил этади. Муаллиф қаламига мансуб яна бир тарихий ёднома “Тарихи мулуки Ажам”⁴ асарининг луғат таркибида жами 1443 та от сўз туркумига оид лексема қўлланган бўлиб, унинг 1076 таси турдош от, 243 таси алоқли от ҳисобланади. 1076 та

¹ Abdurahmonov G., Shukurov Sh., Mahmudov Q. O‘zbek tilining tarixiy grammatikasi. – T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. – B. 74.

² Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. – Т.: Фан, 1959. – Б. 17.

³ Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).

⁴ Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).

турдош отдан 996 тасини туб сўзлар, 82 тасини ясама лексемалар, 368 та ономастик терминдан 243 тасини антропонимлар, 99 тасини топонимлар, 7 тасини гидронимлар, 18 тасини асар номлари ва 1 та астропоним ташкил этади.

Турдош отлар. Ёдномалардаги турдош отлар ўз навбатида қуйидагича таснифланади: 1. *Шахс отлари*: *абно* (172) – “болалар, ўғиллар, фарзандлар”, *анбиё* (112) – “пайғамбарлар, набийлар, яловочлар”, *арус* (192) – “келин, келинчак”, *баковул* (124) – “баковул, бош ошпаз”, *болиғчи* (167) – “балиқчи”, *инос* (173) – “аёллар, хотинлар”, *йигит* (173) – “йигит, ўсмир, ёш”, *хола* (174) – “хола, онанинг опа ёки синглиси”, *қўйчи* (181) – “қўйчи, чўпон”, *гозур* (212) – “кир ювувчи”, *муганний* (248) – “мутриб, созанда, ашулачи, хонанда”, *муганния* (248) – “мутриба, созанда қиз” ва ҳ.к. 2. *Нарса-буюм отлари*: *аёғ* (178) – “қадах, жом”, *бичоқ* (124) – “пичоқ”, *болту* (114) – “болта”, *булут* (108) – “булут, абр”, *гугурд* (185) – “гугурт”, *ип* (137) – “ип, тизимча”, *калид* (142) – “калит, очқич” *занжир* (242) – “занжир, банд, кишан” ва ҳ.к. 3. *Ўрин-жой отлари*: *боғ* (124) – “боғ, чаман, гулзор, гулшан”, *бутхона* (113) – “бутхона, бутпарастлар ибодатхонаси”, *бўстон* (159) – “боғ, гулзор, чаманзор”, *водий* (162) – “водий, дара”, *гулистон* (115) – “гулзор, гулбоғ, боғ, чаманзор”, *гўристон* (158) – “гўристон, қабристон, мозор”, *гўша* (116) – “бурчак, чекка жой, хилват”, *гор* (182) – “ғор, унгур”, *қўрғон* (149) – “қўрғон, қалъа”, *масжид* (162) – “масжид, ибодатхона”, *равза* (181) – “боғ, боғча”, *деҳ* (199) – “қишлоқ”, *дудмон* (253) – “хонадон, оила, қабила”, *қўра* (225) – “оловхона, ўчоқ, заргар ва темирчиларнинг металл эритадиган ўчоғи” ва ҳ.к. 4. *Мавҳум отлар*: *адоват* (175) – “душманлик, ўзаро қарама-қаршилик, зиддият”, *адам* (246) – “йўқлик”, *адолат* (255) – “ҳаққоният, инсофлилик, одиллик”, *азоб* (183) – “машаққат, азият, озор, дард, алам”, *ақл* (164) – “идрок, зеҳн”, *висол* (124) – “учрашув, бирлашув, эришув, яқинлашув, етишув”, *гуноҳ* (160) – “айб, гуноҳ”, *қайғу* (183) – “бошга тушган руҳий азоб,

ғам, мусибат”, *қўрқинч* (132) – “қўркув, қўрқинч”, *мараз* (153) – “касаллик, беморлик”, *мусибат* (191) – “қайғу, ғам-алам, мотам”, *балийя* (146) – “бало, офат, бахтсизлик, гирифторлик”, *офат* (130) – “офат, бало, мусибат”, *офият* (191) – “соғлик, тинчлик”, *суд* (123) – “фойда, баҳра, наф” ва ҳ.к.

*Атоқли отлар*⁵. Тарихий асарлар лексикасидаги атоқли отлар куйидагича гуруҳларга ажратилади: 1. *Антропонимлар*⁶. *Дақёнус* (181) – “Юнон мулкида ҳукмронлик қилган афсонавий ҳукмдор”, *Ёфас* (106) – “Нух пайғамбарнинг ўғли, кўпроқ Абутурк номи билан танилган”, *Имрон* (134) – “Мусо пайғамбарнинг отаси”, *Иқлимо* (100) – “Одам Ато ва Момо Ҳавонинг илк қиз фарзандлари”, *Марям* (174) – “Исо пайғамбарнинг онаси”, *Фишогурс* (191) – “Пифогор”, *Ҳаво* (100) – “Одам Атонинг хотини”, *Ҳомон* (139) – “Фиравнлардан бири”, *Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам* (99) – “Ислом оламидаги энг сўнгги пайғамбар”, *Арасту* (217) – “таниқли юнон файласуфи Аристотель”, *Аржасп* (209) – “Афросиёбнинг ўғли, турк подшоларидан бири”, *Ардувон бинни Ялош* (221) – “ашконийларнинг сўнгги пошоҳи”, *Афлотун* (214) – “қадимги юнон файласуфи Платон”, *Баҳмандўхт* (212) – “Исфандиёрнинг қизи, каёнийлар сулоласининг олтинчи ҳукмдори Баҳманнинг синглиси”, *Одам* (100) – “Одам Ато” ва ҳ.к. 2. *Топонимлар*⁷. *Арман* (227), *Бобил* (217), *Хоразм* (236), *Фаранг* (193), *Рум* (103) ва ҳ.к. 3. *Гидронимлар*. *Замзам* (116), *Нил* (138), *Аму* (203), *Жайхун* (205), *Сова* (243) ва ҳ.к. 4. *Оронимлар*. *Жуди* (105), *Абул Қайс* (101), *Мино* (119), *Қуддус* (156), *Тури Сино* (136), *Албурзкўҳ* (205), *Қоф* (232) ва ҳ.к. 5. *Асарлар ва муқаддас китоблар номлари*: “*Забур*” (158), “*Инжил*” (176), “*Таврот*” (140), “*Каломуллоҳ*” (189), “*Шоҳнома*” (206), “*Искандарнома*” (217) ва ҳ.к. 6.

⁵ Ёкубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фан. ном. дисс... – Т., 1994; Турдибеков М. Абулғозий Баходирхоннинг “Шажараи турк” асари ономастикаси. Филол. фан. ном. дисс... – Т., 2001.

⁶ Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. АКД. – Т., 1965; Хусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. Филол. фан. док-ри дисс... – Т.: Фан, 2000. – Б. 243.

⁷ Қораев С. Ўзбекистон вилояти топонимлари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 240; Эрназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Филол. фан. док-ри дисс... – Т., 2006.

Астрономим⁸. Зухал (217). 7. Қуръони каримда келтирилган сура номлари: Тоҳо (136), Бақара (141).

II. Сифат. Биз ўрганаётган ёдномалар таркибидаги сифат туркумига мансуб сўзларни мазкур хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ: **а)** шахс ёки нарсанинг хусусиятини англатувчи сифатлар: *авло* (175) – “яхшироқ, афзалроқ”, *ажйба* (157) – “одамни хайратга соладиган”, *аълам* (129) – “ўта доно, катта илм эгаси, донишманд”, *ганий* (193) – “бой, давлатманд”, *далир* (102) – “шижоатли, жасоратли, паҳлавон, ботир, довиюррак”, *аржуманд* (199) – “азиз, иззатли, қадрли, қимматли, шарафли, обрўли, муҳтарам” ва ҳ.к. **б)** шахс ёки нарсанинг рангини, тусини билдирувчи сифатлар: *аҳмар* (135) – “қизил”, *кофиргун* (122) – “кофур рангли, оқ, оқ тусли, оппоқ”, *қаро* (106) – “қора, қора ранг”, *оқ* (108) – “оқ ранг”, *сафид* (210) – “оқ” ва ҳ.к. **в)** шахс ёки нарсанинг шакл-кўриниши, ҳажм-ўлчовини ифодаловчи сифатлар: *баланд* (158) – “юқори, буюк”, *бийик* (108) – “буюк, улуғ, баланд”, *узун* (192) – “узун, чўзиқ, давомли”, *улуқ* (199) – “улкан, катта” ва ҳ.к. **г)** шахс ёки нарсанинг ҳолатини билдирувчи сифатлар: *акмаҳ* (178) – “туғма кўр”, *бемор* (187) – “хаста, касал, бирон дардга мубтало”, *беҳол* (185) – “ҳолсиз, қувватсиз, бемадор, заиф, ожиз, маънос”, *исиг* (156) – “ҳароратли, иссиқ”, *қуруқ* (172) – “қуруқ, қуриган”, *чуруқ* (172) – “чирик” ва ҳ.к. **д)** нарсаларнинг таъминини, маъзасини ифодаловчи сифатлар: *ачиг* (193) – “аччиқ, нордон, шириннинг акси”, *чучук* (191) – “ширин, аччиқнинг акси”, *шўр* (168) – “тузли, тузи ўткир, аччиқ” ва ҳ.к. **е)** нарсанинг хидини билдирувчи сифат: *нохуш* (214) – “ёмон, ёқимсиз, хуш келмайдиган”.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да қўлланган 392 та сифатдан 209 таси туб, 83 таси ясама; “Тарихи мулки Ажам”да қўлланган 300 та сифатдан 168 таси туб, 132 таси ясама сифатдан иборат.

⁸ Дадабоев Х. Астрономик терминлар тарихидан//Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт истикболлари. – Т., 1986. – Б. 94-96. Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XVI вв.// Историко-лингвистический анализ старописьменных памятников. – Т.: Фан, 1994, – С. 32-43.

Ушбу тарихий ёдномалар матнида бевосита морфологик (аффиксация) ва синтактик (композиция) йўл билан ясалган ясама сифатлар қўлланган.

Ёдномаларда сифатнинг одатдаги уч хил даражаси қайд этилган. а) оддий даража: *бузуқ девор* (146), *бурунги йиллар* (125), *ёлгон туш* (124), *ёмон дуо* (106), *ирик сўзлар* (176), *қари кишилар* (173), *қисқа умр* (192), *оруг ўйлар* (125) ва ҳ.к. б) қиёсий даража: *Ки гафлатдин огоҳлик яхшироқ* (255); *Билайин деган киши мабсутроқ қутбдин тилагай* (239), *...яфроқ ва шохларин мазароқ қилиб эрди* (136); *...чун андин улугроқ ва тунгтўшлуқ эл бор эрдилар* (251); *Юсуф а.с. қиссаси андин машхурроқдур* (122) в) орттирма даража. Текширилаётган манбаларда орттирма даражадаги сифатлар *багоят, гоят, асру, кўп* каби махсус сўзлар ёрдамида ифодаланган: *Шарҳини сўрди эрса, кўп гариб осор баён қилди* (157); *Асру-кўп мухталиф ақвол бу ерда мазкурдур* (107); *Шис а.с. чун багоят далир ва шужоъ эоди* (102) ва ҳ.к.

III. Сон. Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу тарихий асарлар матнида жами 21 та туб, 92 ясама сон ҳамда 24 та нумератив иштирок этган. Асарларда соннинг маъно хусусияти ва грамматик белгиларига кўра кўйидаги турлари қўлланилишда бўлган:

1.Санок сонлар: *бир* (100), *ики//икки* (100), *уч* (101), *тўрт* (106), *беш* (117), *олти* (121) *етти//ети* (123), *секкиз* (106), *тўққиз* (159), *ўн* (112), *йигирми* (117), *ўтуз* (126), *қирқ* (140), *эллик* (141), *олтмиш* (202), *етмиш* (104), *сексон* (105), *тўқсон* (221), *юз* (225), *минг* (231), *чиҳил* (199). 2.Тартиб сонлар: *икинчи* (106), *бешинчи* (107), *ўнинчи* (112), *секизинчи* (138), *олтинчи* (107), *тўртинчи* (138) ва ҳ.к. 3.Жамловчи сонлар: *учов* (176), *учаласи* (157) ва ҳ.к. 4.Чама сон: *бир-ики* (190). 5.Тақсим сон: *юзар-юзар* (103); *ҳар мингдин бири* (102). 6.Каср сон: *ярим* – “бутуннинг ярми, ярим” маъносида: *...илки титраб, шарбатдин ярими тўкилди* (224); *сулс* – “учдан бир” маъносида: *кулин уч қисм қилиб, сулсин баҳрға, сулсин тоқға, сулсин ерга совуртти*

(185). 7. Дона сонлар санок сонга эгалик аффикси кўшилиши орқали ифодаланган: *икиси* (100).

Нумеративлар: *ўтуз ики яшар* (126), *ику оқча* (123), *ику ракъат* (179), *юз қариш* (274), *мисқол* (214), *эллик йизоч* (239) ва ҳ.к.

IV. Олмош. Олмошлар семантик ва грамматик хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади. Олмош, от, сифат, сон ва баъзан бошқа сўз туркумлари ўрнида қўлланиб, предмет ва унга хос бўлган белгининг мавжудлигини кўрсатади. Олмош предметнинг белгисини доимий эмас, балки муайян ўринларда ифода қилади. Шу жиҳатдан олмош мустақил сўз туркуми ҳисобланса-да, конкрет маънога эга бўлмайди⁹. Олмошнинг асосий маъноси ва қайси сўз туркумлари ўрнида ишлатилиши матн ичида ойдинлашади.

Текширилаётган ёзма манбалар тилида 61 та олмош мавжуд бўлиб, улар англатган маъноларга қараб қуйидаги турларга бўлинади: а) кишилик олмошлари: *ман// мен, сан//сен, алар, биз, сиз, ул*; б) ўзлик олмошлари: *ўз, худ*; в) кўрсатиш олмошлари: *ул, бул, бу, мундоғ//мундоқ, ушбу, анда, ани, анинг, андин, шу*; г) сўроқ олмошлари: *ким? қайдин? қачон? қайси? начук//нечун? қаён? не? невчун? нега? нет-? неча? қаю?* д) белгилаш олмошлари: *барча, бари, бутун, жами, жумла, ҳар ким, ҳар не, ҳар киши*; е) гумон олмоши: *биров*; е) бўлишсизлик олмошлари: *ҳеч нима, ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч банда* ва ҳ.к.

Ёдгорликларда истемолда бўлган лексемаларнинг аксариятини туркийча, арабча, форсча-тожикча сўзлар ташкил этиб, шунингдек, қадимги яхудий, юнон, санскрит, хитой, мўғул, сўғд, арман тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам маълум ўринни эгаллаган. Бу эса, ўз навбатида сўз туркумларининг қадимийлигидан дарак бериш билан бирга, асарлар тилининг ранг-баранглигини таъминлаган.

⁹ Аширбоев С., Азимов И. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси (Ўқув-услубий қўлланма). – Т.: Тошкент давлат педагогика университети, 2002. –Б. 47.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdurahmonov G., Shukurov Sh., Mahmudov Q. O'zbek tilining tarixiy grammatikasi. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. – B. 74.
2. Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. – Т.: Фан, 1959. – Б. 17.
3. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).
4. Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).
5. Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фан. ном. дисс... – Т., 1994; Турдибеков М. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асари ономастикаси. Филол. фан. ном. дисс... – Т., 2001.
6. Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. АКД. – Т., 1965; Хусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. Филол. фан. док-ри дисс.. – Т.: Фан, 2000. – Б. 243.
7. Қораев С. Ўзбекистон вилояти топонимлари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 240;
8. Эрназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Филол. фан. док-ри дисс... – Т., 2006.
9. Дадабоев Ҳ. Астрономик терминлар тарихидан//Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт истиқболлари. – Т., 1986. – Б. 94-96.

10.Аширбоев С., Азимов И.Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси (Ўқув-услубий қўлланма). – Т.: Тошкент давлат педагогика университети, 2002. –Б. 47.